

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРАБУЛЛАЕВ БАҲАМДУЛЛА ХОЖАМБЕТОВИЧ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИДА
МЕМУАР ЖАНРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Нурабуллаев Баҳамдулла Хожамбетович Мустақиллик йилларида қорақалпоқ адабиётида мемуар жанрининг ривожланиши.....	3
Нурабуллаев Баҳамдулла Хожамбетович Развитие жанра мемуаров в каракалпакской литературе в годы независимости	25
Nurabullaev Bahamdulla Khozhambetovich The development of the memoir genre in Karakalpak literature during the years of Independence.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	52

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРАБУЛЛАЕВ БАҲАМДУЛЛА ХОЖАМБЕТОВИЧ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИДА
МЕМУАР ЖАНРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Fil371 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жаримбетов Қурбанбай Қудайназарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бекбергенова Зияда Утеповна
филология фанлари доктори (DSc), профессор

Бегмуратова Гулбаҳар Асаматдиновна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021. Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25.

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861)223-59-25.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси).

Қ.К. Оразымбетов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Д.Б. Сейткасымов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

О.Қ. Гайлиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси в.в.б. филол.ф.д. (DSc), доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги глобал маданий интеграция, ахборот оқимининг шиддати кучаяётган бир даврда ҳар қандай жўн хабарларга “мемуар” мақоми берилаётгани ушбу адабий жанрнинг кадр-қийматини, ўзига хос қирраларини тадқиқ қилишга катта зарурат туғилмоқда. Бугунги кенг омманинг таниқли шахслар, давлат ва жамоат арбобларининг ҳаётига, уларнинг қийинчиликларни қандай енгиб ўтганлигига, мураккаб шароитларда қандай йўл тутганлигига, шахсий турмуш тарзига, ён атрофидагилари билан муносабатига бўлган қизиқиш мемуар асарларга бўлган эҳтиёжнинг кучайишини келтириб чиқармоқда. Бу ижтимоий талабни қондиришда, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқимани уйғунлаштирган ҳолда тасвирлайдиган, ҳам адабий-бадиий асар, ҳам тарихий манба сифатида муҳим бўлган мемуарларнинг кўплаб яратилишига ва шу аснода мемуар жанрининг ривожланишига йўл очилаётганлиги кузатилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида адабиёт тарихидаги мемуарчилик анъаналари асосида мемуарнависнинг бошидан ўтган воқеалар, кечирган ҳаёти унинг ўзи томонидан баён қилинишида, тарихийлик, ҳужжатлилик, бадиийлик тамойилларининг синтези, мемуарларнинг жанр сифатидаги чегарасини аниқлаш, тадқиқ этиш долзарб масаладир. Мемуар жанрининг ўзига хос жиҳатлари ижтимоий ва бадиий тафаккурнинг янгиланиши мезонлари асосида баҳоланаётганлиги миллий адабиётимизда ушбу жанрга мансуб асарларнинг ҳозирги кундаги ривожланиш ҳолатини, қонуниятларини ўрганиш заруратини тақозо этади.

Мустақиллик даврида мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ва илмий-технологик жараёнлар дунёга янги қарашларни шакллантирди. «Аҳолининг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўла қондиришга, ... халқимиз тарихи ва бугунги ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи асарлар»¹ қаторида мемуарлар қорақалпоқ адабиётида жанр сифатида тўла шаклланиб, ривожланиш йўлига тушди. Бу ўз навбатида мустақиллик давридаги миллий адабиётда яратилган мемуар асарларнинг бадиий манбалари, шаклланиши, ғоявий-тематик йўналишлари, конфликт ва характер, бадиий-услубий ва образ яратиш хусусиятларини ўрганишни долзарб масалага айлантди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси ҳақида»ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2020 йил 26 майдаги «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон, 2020. – Б. 183.

ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 11-июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараккиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида мемуар асарларнинг илмий-назарий асослари Р.Винтермейер, Ф.Лежен, Ж.Ф.Миро, Л.Гинзбург, Л.Н.Пушкарёв, А.Е.Чекунова, В.Кардин, Л.Я.Гаранин, С.Розанова, Л.А.Левицкий, Г.Симонова, А.Г.Тартаковский, Г.Гюбиева ва бошқа олимлар томонидан кенг миқёсда махсус тадқиқ қилинган². Туркий халқлар адабиётшунослигида мемуар жанрининг поэтикаси, жанр хусусияти бўйича илмий тадқиқотлар яратилган³. Қорақалпоқ адабиётида яратилган мемуар асарларнинг жанр масалалари

²Wintermeyer R. Introduction // «Moi public» et «Moi privé» dans les mémoires et les écrits autobiographiques du 17e siècle à nos jours / études réunies et présentées par R. Wintermeyer en collaboration avec C. – Bouillot: Mont-Saint-Aignan, 2008. – P. 11-31; Lejeune P. L'autobiographie en France. 2 ed. – Paris, 2004; Miraux J.-P. L'autobiographie: Ecriture de soi et sincérité. – Paris, 2009; Гинзбург Л. О психологической прозе. – Л.: Художественная литература, 1977; Пушкарёв Л.Н. Классификация русских письменных источников по отечественной истории. – М., 1975; Чекунова А.Е. Русское мемуарное наследие второй половины XVII-XVIII вв. – М., 1995; Кардин В. Сегодня о вчерашнем. Мемуары и современность. – М., 1961; Гаранин Л.Я. Мемуарный жанр в советской литературе. – Минск, 1986; Розанова С. Издание литературных мемуаров – дело серьёзное / С.Розанова, К.Тюнькин, В.Фридлянд // Редактор и книга. – вып. 5. – М.: Книга, 1965; Левицкий Л.А. Мемуары // ЛЭС. – М., 1987; Симонова Т.Г. Мемуарная проза русских писателей XX века: поэтика и типология жанра. – Гродно: ГрГУ, 2002; Гюбиева Г.Е. Этапы развития русской мемуарно-автобиографической литературы XVIII века: Дис. ... канд. филол. наук. – М.: РГБ, 2002; Курносоев А.А. Приемы внутренней критики мемуаров... // Источниковедение. Теоритические и методологические проблемы. – М., 1969; Тартаковский А.Г. Русская мемуаристика XVIII –первой половины XIX вв. от рукописи к книге. – М.: Наука, 1991; Черноморский М.Н. Мемуары как исторический источник. – М., 1959.

³ Мели С. Хотиранивис // М.Қўшжонов Танланган асарлар. Адабий-танқидий рисоалар. Эсселар. Хотиралар. – Т.: SHARQ, 2019; Кудратиллаев Ҳ. Улуғ шоир шахсияти // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 2014. 10-октябрь. - № 41; Ганиева С.Алишер Навоийнинг прозаик асарлари. – Т., 1981; Эргашев Қ. Навоийнинг мемуар-биографик асарларининг жанрий-услубий хусусиятларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2009. – №4; Қаратаев М. Үш томдық таңдамалы шығармалары. 2-т. – Алматы: Жазушы, 1974; Майтанов Б. Көркемдік нәрі. – Алматы: Жазушы, 1983; Моминский С. Мемуарлық автобиография. –Алматы: Жазушы, 1986; Қабдолов З. Сөз өнері. – Алматы: Санат, 2002; Батхольдинова Г.А. Мемуарлық роман жанрының көркемлік ерекшелігі // ҚЖУ. Әдилеттің ғылыми еңбектері журналы. Филол. пед. – Алматы, 2013. – №3. – Б.163-168; Жолмаханова Б.А. Мемуардың жанрлық көпқырлылығы. // Известия НАНАРК. Сер. общ.гум.наук. – Алматы, 2017. – №5; Ақыш Н.Б. Қазақ мемуарлық романы: Филол. ғыл. ... д-ри. дис. ... автореф. – Алматы, 2009.

бўйича М.Нурмухамедов, З.Насруллаева, Қ.Султанов, Ж.Нарымбетов, А.Насруллаев, Қ.Байниязов, П.Нуржанов, З.Бекбергенова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида адабиётнинг турли масалалари доирасида келтирилган баъзи фикрлари мавжуд⁴. Лекин, бу тадқиқотлар ҳозирги кунда ўз тараққиётининг янги босқичларига кўтарилган қорақалпоқ мемуарларининг барча назарий масалаларини ечиб бера олмайди. Шунинг учун, қорақалпоқ мемуарларининг жанр сифатидаги хусусиятларини махсус тарзда ўрганиш зарурати келиб чиқмоқда.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ишининг мавзуси Қорақалпоқ давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Қорақалпоқ адабиётини ўрганиш ва адабиётшунослик илмининг муҳим муаммолари», «Ҳозирги филология фанларининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мустақиллик даври қорақалпоқ адабиётида мемуар жанрининг ривожланиши даражасини аниқлаш, жанрнинг миллий адабиётдаги бадиий-эстетик тафаккурни такомиллаштиришга муносабатини аниқлаштириш ва мемуарларнинг сюжет, композицион, услубий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мемуар асарлар ҳақида жаҳон адабиётшунослигидаги илмий-назарий тушунчаларни қорақалпоқ мемуарлари материаллари асосида умумлаштириш;

қорақалпоқ адабиётида мемуарнинг жанр сифатида шаклланишини ва уларнинг ғоявий-тематик йўналишларини очиб бериш;

мустақиллик даври қорақалпоқ мемуарларининг жанрлик таркибини аниқлаш ва жанр табиатидаги тарихий, ижтимоий шароитнинг акс эттирилиши масалаларини ўрганиш;

мемуар асарларда қаҳрамон характери яратишда конфликтнинг ўзига хослигини аниқлаш;

қорақалпоқ мемуарнависларининг асар сюжетини, композициясини шакллантиришдаги услубий изланишларини таҳлил қилиш ва мемуар образларнинг бадиий образлар таркибида тутган ўрнини белгилаш.

⁴Нурмухаммедов Н. Современная каракалпакская проза. – Нукус: Каракалпакстан, 1968; Насруллаев Ө. Традиция ҳам заманагөйлик. – Нөкис.: Қарақалпақстан, 1985; Насруллаева З. Проблема типа и характера в современной каракалпакской прозе. – Нукус: Каракалпакстан, 1984; Султанов Қ. Прозаның раўажланыў жоллары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977; Камалов Қ. Қарақалпақ әдебиятында көркем методтың эволюциясы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988; Нарымбетов Ж. Ҳәзирги қарақалпақ романының раўажланыў жоллары // Жаңа эстетикалық шеклерге қарай. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1985; Нуржанов П. Ғәрезсизлик дәғириндеги қарақалпақ прозасы. – Нөкис: Билим, 2003; Байниязов Қ. Академик М.К.Нурмухаммедовтың күнделик дәптерлери // Қарақалпақстан жаслары. – Нөкис, 2000. 6-январь. – № 2 (7030); Бекбергенова З. «Өмир сокпақлары» шығармасында турмыс шынылығы // Еркін Қарақалпақстан. – Нөкис, 1998, 16-июль; Ўша муаллиф: Қарақалпақ әдебиятында автобиографиялық хәм мемуар повестьлер ҳаққында // ӨзРИА ҚҚБ Хабаршысы. – Нөкис, 2006. – №4. – Б. 115-117; Ўша муаллиф: Қарақалпақ әдебиятында повесть жанры хәм оны изертлеўдиң айырым мәселелери ҳаққында // ӨзРИА Хабаршысы. – Нөкис, 2009. – №4; Генжемуратов Б. Марат Нурмухаммедов публицистикасы ҳаққында // Бердақ атындағы ҚМУ хабаршысы – Нөкис, 2017. – №4 (37).

Тадқиқотнинг объекти сифатида, асосан, мустақиллик йилларида яратилиб, нашр қилинган Х.Сейтовнинг «Ҳаёт сўқмоқлари» “Әмиўдәрья”, 1993, №3-4), «Аламли армон излари» (Әмиўдәрья, 1995, №3-4), Ж.Аймурзаевнинг «Қора булутлар» (Әмиўдәрья, 1993, №9-10), Т.Алланазаровнинг «Замон гардиши» (1991), Қ.Камаловнинг «Әл хизматида» (1995), Қ.Отениязовнинг «Ҳаёлларимга ўзакдош умрим» (2001), С.Қаниязовнинг «Олтин соҳил» (2006), С.Камаловнинг «Умрим сабоқларидан...» (2019), Қ.Байниязовнинг «Дастхат тарихи» (Әмиўдәрья, 2008, №4), У.Пиржановнинг «Учта оқсоқол» (Әмиўдәрья, 2008, №3), А.Атажановнинг «Номаълум учинчи одам» (Ёзувчи Топлепберген Қайипбергеновни эслаб) «Қарақалпақ әдебияты», 2015-жыл, июль, август) ва ҳ. мемуар асарлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини мустақиллик даври қорақалпоқ мемуар асарларининг бадий манбаларини, ғоявий-тематик йўналишларини, жанрлик табиати, мемуарларда конфликт, қаҳрамон характери, сюжет-композицион тузилиши, бадий-услубий ва образ яратиш хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, бадий-эстетик ҳамда структуравий таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: мустақиллик даври қорақалпоқ адабиётида жамоат, фан, маданият арбоблари ва адиблар томонидан яратилган мемуар асарларнинг фактлар билан ҳис-ҳаёжон, бадий ҳақиқат ва тарихий воқеликнинг синтезлашган ҳолда берилиши, жанр таркибида ҳикоя, портрет, эссе, саёҳатнома, кундалик ва хат жанрлари шаклларининг мавжудлиги ҳамда автобиографиянинг аралаш ҳолда қўлланилиши билан боғлиқ поэтик хусусиятлари очиб берилган;

қорақалпоқ адабиётида яратилган мемуарларнинг катағон давридаги миллат зиёлиларининг қисмати, шўро замонининг ҳақиқий қиёфаси, даврлар алмашинувидаги зиддиятли воқеалар, мустақиллик учун курашлар сингари ғоявий-тематик йўналишлари белгиланиб, уларда давр ва қаҳрамон, қаҳрамонлар ўртасидаги ҳамда ички конфликтларнинг қаҳрамонлар характери ва уларнинг шахсий ҳаётий позицияларини очиб беришдаги ҳаётий сифати аниқлаштирилган;

мустақиллик даври қорақалпоқ адабиётида яратилган мемуарларнинг жанрий жиҳатдан ривожланишида архив материаллари, расмий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, газета, бюллетень тўпламларидан ҳамда бадий-эстетик воситаларнинг даврнинг ҳақиқий манзарасини тасвирлаш ва фактларнинг ишончлилигини таъминлаш учун услубий мақсадларда қўлланилганлиги аниқланган;

мемуарларнинг образлар тизимида муаллиф ва персонаж образларининг аҳамияти аниқланиб, бошқа бадий асарлардаги образлардан фарқли жиҳатлари адиб ҳаёлида яралган образлар эмас, балки реал воқеликдаги яшаган шахсларнинг, мемуар муаллифининг ўзи ҳам қаҳрамон сифатида дунёқарашини, нуқтаи-назарини акс эттириш каби ўзига хос хусусиятлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ адабиётшунослиги жаҳон адабиётшунослигидаги мемуарлар бўйича илмий-назарий маълумотлар билан бойитилган;

мустақиллик даври қорақалпоқ мемуарларини жанр хусусиятлари жиҳатидан ўрганишда уларнинг умумий миллий адабиётга хос ҳамда ҳар бир асарнинг ўзига хос, алоҳида тамойилларига асосланиб, жанр таснифи яратилган;

мемуар асарларнинг яратилишида тарихий-маданий шароитлар ҳамда ижтимоий эҳтиёжларнинг аҳамияти аниқланган;

адиб ва жамоат арбоблари томонидан яратилган мемуарларнинг хусусиятлари ва умумий белгилари типологик жиҳатдан илмий хулосалар ишлаб чиқилган;

мустақиллик даври қорақалпоқ мемуар асарларининг сюжет-композицион тузилиши, матни таркиби мемуарнависларнинг услубий изланишлари асосида очиб берилган;

мустақиллик даври мемуарларининг образлар тизимида муаллиф, персонажлар, муаллиф образи ҳамда муаллиф-қаҳрамон образларининг соф бадий асарлардаги образлардан фарқи, муаллиф образининг хусусияти, муаллиф-қаҳрамон образининг асардаги аҳамияти бўйича юзага келган илмий-назарий хулосалар адабиёт назариясидаги образ ҳақидаги тушунчаларнинг мазмуни жиҳатдан такомиллаштиришга ёрдам бериши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий ва бадий манбалардан олинганлиги, илмий хулосалар қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, бадий-эстетик таҳлил, структуравий таҳлил усулларига асосланганлиги, фикр ва таклифлар амалиётда кенг қўлланилганлиги, эришилган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан далилланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мустақиллик даври қорақалпоқ насри ва мемуар жанри бўйича илмий-назарий қарашларни янада такомиллаштиришда, ушбу давр асарларининг ғоя-мавзусини аниқлашда адабиётда тарихий сиймоларнинг мемуар образлари яратилиши масалаларини ўрганишда илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан ифодаланади.

Тадқиқот иши натижалари олий ва ўрта махсус билим юртларида мутахассислик курслари ва семинарлар ташкиллаштиришда, «Ҳозирги қорақалпоқ адабиёти» ва «Адабиёт назарияси» фанлари, магистратура босқичидаги «Мустақиллик даври қорақалпоқ адабиёти» фани бўйича дарсликлар тайёрлашда, ўқув қўлланмаларини яратишда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мустақиллик даври қорақалпоқ мемуарларининг ривожланиш хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мустақиллик даври қорақалпоқ адабиётида жамоат, фан, маданият арбоблари ва адиблар томонидан яратилган мемуар асарларнинг фактлар билан ҳис-ҳаёжоннинг, бадиий ҳақиқат ва тарихий воқеликнинг синтезлашган ҳолда берилиши, жанр таркибида ҳикоя, портрет, эссе, саёхатнома, кундалик ва хат жанрлари шаклларидаги мавжудлиги ҳамда автобиографиянинг аралаш ҳолда қўлланилиши билан боғлиқ поэтик хусусиятлари ҳақидаги илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган И1-ФА-0-14244 – «Қорақалпоқ халқ прозасининг илгари нашр этилмаган намуналарини нашрга тайёрлаш ва нашр қилиш» (2014-2015 й.й.) мавзусидаги инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 18 апрелдаги 138/1-сон маълумотномаси). Натижада, мустақиллик даври қорақалпоқ насри бўйича илмий қарашлар янада чуқурлаштирилган;

қорақалпоқ адабиётида яратилган мемуарларнинг катагон давридаги миллат зиёлиларининг қисмати, шўро замонининг ҳақиқий қиёфаси, даврлар алмашинувидаги зиддиятли воқеалар, мустақиллик учун курашлар сингари ғоявий-тематик йўналишлари белгиланиб, уларда давр ва қаҳрамон, қаҳрамонлар ўртасидаги ҳамда ички конфликтларнинг қаҳрамонлар характери ва уларнинг шахсий ҳаётининг позицияларини очиқ беришдаги ҳаётининг сифатига оид илмий хулосаларидан Қорақалпоғистон Телерадиокомпаниясининг «Гавҳар сўзлар», «Тарихимизни ўрганамиз», «Мерос» номли телекўрсатув ва радиоэшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Телерадиокомпаниясининг 2022 йил 11 мартдаги 05-22/145-сон маълумотномаси). Натижада, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар мемуар ҳақида илмий манбалар билан бойитилиб, мемуар асарлар қорақалпоқ адабиётининг алоҳида жанри сифатида кенг жамоатчиликка тақдим этилган;

мустақиллик даври қорақалпоқ адабиётида яратилган мемуарларнинг жанрий жиҳатдан ривожланишида архив материаллари, расмий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, газета, бюллетень тўпламларидан ҳамда бадиий-эстетик воситаларнинг даврнинг ҳақиқий манзарасини тасвирлаш ва фактларнинг ишончлилигини таъминлаш учун услубий мақсадларда қўлланилиши ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон Педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида 2017-2020 йилларда бажарилган Ф3-2016-0908165532 «Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2021 йил 25 октябрдаги 204/1-сон маълумотномаси). Натижада, мемуарларнинг ёшларни тарбиялашдаги ўрни белгилаб берилган;

мемуарларнинг образлар тизимида муаллиф ва персонаж образларининг аҳамияти аниқланиб, бошқа бадиий асарлардаги образлардан фарқли жиҳатлари – адиб хаёлида яралган образлар эмас, балки реал воқеликдаги яшаган шахсларнинг, мемуар муаллифининг ўзи ҳам қахрамон сифатида дунёқарашини, нуқтаи-назарини акс эттириш каби ўзига хос хусусиятларига оид илмий хулосалардан давлат музейлари ва театрларда ташкил этилган санъат намоёндалари, ёзувчи-драматургларнинг ҳаёти ва ижодига бўйича маданий-маърифий тадбирларда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2022 йил 16 февралдаги 4-04/183-сон маълумотномаси). Натижада, тадқиқот таклифлари мустақиллик даври қорақалпоқ насрида мемуар жанрдаги асарларнинг миллий маданият ва санъатининг ривожланиш босқичларини ўрганишдаги аҳамияти белгилаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та иш чоп этилиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 6 та мақола республика, 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади, ҳажми 164 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва пердметлар ва усуллари тавсифланган, Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илимий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Мемуар асарлар ва уларни тадқиқ қилишнинг назарий асослари» деб номланган биринчи боб иккита фаслдан иборат. Ушбу бобнинг **«Мемуар асарларнинг жанрий хусусияти ҳақида умумий назарий тушунчалар»** деб номланган биринчи фаслида жаҳон адабиётшунослигида мемуар жанри ҳақидаги назарий тушунчаларга тавсиф берилди ва умумлаштирилди.

Жаҳон адабиётшунослигида мемуар дейилганда, асосан, бошидан ўтган воқеаларнинг муаллиф томонидан баён қилиниши, тарихийлик, ҳужжатлилик, бадиийлик тамойиллари етакчи бўлган асарлар назарда

тутилади. Лекин шу кунгача илмий тадқиқотларда мемуар асарларнинг жанр табиати ва унинг ўзига хос хусусияти ҳақида турли илмий-назарий қарашлар мавжуд. Бу жанр табиатининг мураккаблиги билан боғлиқдир. Шундай бўлса ҳам, мемуар жанрига бой адабиёт – француз адабиёти эканлиги, унинг XVII аср француз бадиий-ҳужжатли насрида ўта катта аҳамиятга эга бўлганлиги, *мемуар* термини XV асрнинг охирида пайдо бўлиб, у француз тилидаги «*memoire*» сўзидан олиниб, қандайдир муҳим воқеалар тўғрисида келажакда ёзиладиган тарихий асарга илова қилинадиган ахборий *илова* маъносида қўлланилганлиги аксарият тадқиқотларнинг илмий-назарий хулосаларидан маълум⁵. Мемуарнинг энг дастлабки келиб чиқишида унинг тарих учун ёзиладиган ҳужжат бўлганлиги жанр табиатини аниқлашда ва уни тадқиқ қилишда кўплаб олимлар ўртасида баҳсли фикрларга сабаб бўлди. Масалан, рус олимларидан М.Н.Черноморский илк бор мемуарни тарихий манба сифатида ўрганган бўлса⁶, А.Г.Тартаковский ҳам мемуар асарларнинг тарихий манба, тарихий ҳужжат сифатидаги белгиларига алоҳида эътибор қаратган⁷.

А.А.Курносков эса мемуар манбаларининг матнларини қисмларга ажратиб, мантиқ жиҳатидан талқин қилишни ва ундаги маълумотларни бошқа бир манба билан қиёслаб ўрганишни маъқуллайди. Яъни шу тариқа мемуар манбаларининг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин, деб ҳисоблайди⁸. А.А.Курносковнинг бу фикри мемуар асарларни соф тарихий манба сифатида ўрганиш ҳақидаги қарашларни маълум даражада инкор қилишга уринишдир. Тадқиқотчи Л.Н.Пушкарев: «Мемуарлар манбашунослик ва адабий асарнинг чорраҳасида жойлашган»⁹ деган бўлса, А.Е.Чекунова мемуарнинг жанр табиати ҳақида сўз юритганида, «*ҳужжатли адабиёт, оралиқ наср*» терминини қўлланади¹⁰.

Мемуар асарларни адабий йўналишда тадқиқ қилувчи олимлар мемуарнинг ҳужжатлилик-тарихийлик сифатларини инкор қилмайдилар, аммо мемуарларда маълум тарихий воқеаларнинг бадиийлик билан тасвирланиши, воқеаларнинг фақат маълумотлардан иборат бўлмасдан, жозибador тил билан баён қилиниши, бундай асарларнинг қизиқиш билан ўқилишини таъминлашини исботлашга ҳаракат қилади¹¹. Шунинг учун ҳам

⁵ Алташина В.Д. Роман-мемуары во французской литературе XVIII века: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Санкт-Петербург, 2007; Павлова С.Ю. Статус мемуаров во французской литературе XVII века // Известия Саратовского университета. Т. 11. Серия Филология. – вып. 1. – Саратов, 2011. – С. 31-36; Деревина Л.А. О термине «мемуары» и классификация мемуарных источников // Вопросы архивоведения. – М., 1963. – №3-4. – С. 32-38.

⁶ Черноморский М.Н. Мемуары как исторический источник. – М., 1959.

⁷ Тартаковский А.Г. Русская мемуаристика XVIII – первой половины XIX вв. от рукописи к книге. – М.: Наука, 1991.

⁸ Курносков А.А. Приемы внутренней критики мемуаров... // Источниковедение. Теоритические и методологические проблемы. – М., 1969. – С. 478.

⁹ Пушкарев Л.Н. Классификация русских письменных источников по отечественной истории. – М., 1975. – С. 69-70.

¹⁰ Чекунова А.Е. Русское мемуарное наследие второй половины XVII-XVIII вв. – М., 1995.

¹¹ Кардин В. Сегодня о вчерашнем. Мемуары и современность. – М., 1961; Гаранин Л.Я. Мемуарный жанр в советской литературе. – Минск, 1986.

айрим тадқиқотчилар мемуар асарларни тадқиқ қилганда, унинг тарихий-хужжатлилик жиҳатига эътибор қаратса, баъзи олимлар мемуарни адабий жанрнинг тури сифатида ўрганиши ва жанрга ҳар бир илм соҳаси ўз аспекти нуқтаи назаридан ёндашиши ҳам табиий ҳолдир.

Мемуар асарларнинг жанр табиатини аниқлашда Л.Гинзбургнинг таъкидлаб ўтганидек, мемуарларни тадқиқ қилишда ҳар бир миллат адабиётидаги мемуар асарларнинг намуналаридан, уларнинг миллий адабиётга хос ва ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб баҳо бериш мақсадга мувофиқ. Албатта, бунда мемуар тўғрисида адабиётшунослик луғатларида берилган мумтоз тавсифлар ва шу кунга қадар жаҳон адабиётшунослигида эришилган илмий-назарий фикрлар ҳам ҳисобга олинади. Мемуар асарларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва жанр сифатида мақомга эришиши барча адабиётларда бир маромда бўлгани йўқ.

«Қорақалпоқ адабиётида мемуар асарларнинг бадиий манбалари ва шаклланиш босқичлари» деб номланган иккинчи фаслда мемуар асарларнинг қорақалпоқ адабиётида пайдо бўлиши, шаклланиши, мемуар асарларнинг ғоявий-тематик йўналишлари масалаларида сўз юритилади.

Миллий адабиётимиздаги мемуарчилик анъаналарининг илк белгилари халқ оғзаки ижодиёти намуналаридан бошланиб, ҳозирги кунда вақт билан, давр билан бирга олға силжиб, янгича мазмун билан янгилиниб, ривожланиб келмоқда. Масалан, қорақалпоқ халқ кўшиқлари, *толғау*¹²ларидаги (Соппаслы Сыпыра жыраў «Бабаңман») мемуар-автобиографик баённинг илк белгиларини англаш мумкин. Шунингдек, мемуар терминининг энг дастлаб сиёсий ёки ҳарбий хунар ҳақида муҳим маълумотлардан дарак берувчи ёзма манбалар сифатида қўлланилишини ҳисобга олсак, VI-VII асрларга оид эрта даврдаги адабий ёдгорлик Ўрхун-Энасой ёзувларидаги маълумотларнинг баён усулида, туркий халқларининг бирлашиши йўлида Култегин, Билгаҳоқон ва Тонюкўк каби донишманд юртпарварларнинг роли, олиб борган жангларининг тасвирланишида мемуар-автобиографик дискурсларни ҳам кўришимиз мумкин.

Қорақалпоқ адабиёти тарихининг турли босқичларида яратилган бадиий асарлар таҳлили мазкур жанрнинг баъзи белгиларини қорақалпоқ мумтоз адабиётининг таниқли вакиллари Кунхожанинг «Унутмасман» («Умытпаспан»), Бердақнинг «Умрим» («Өмирим»), Ажиниязнинг «Кўринг» («Көриң»), Өтешнинг «Кўрдим» («Көрдим») каби автобиографик характердаги шеърӣ асарлари мисолдан ҳам кўрса бўлади. Айниқса, Бердақ шоирнинг «Умрим» шеърини ғоявий-тематик, жанр жиҳатидан автобиографик асар сифатида қараш мумкин.

Қорақалпоқ адабиётида мемуарларнинг илк кўринишлари очеркларда акс этди. Дарҳақиқат, «қорақалпоқ насри тараққиётида очерк ва ҳикоя дастлабки босқич бўлди»¹³.

¹² Толғау – қорақалпоқ фольклорининг шеърӣ жанри.

¹³ Нурмухамедов Н. Современная каракалпакская проза. – Нукус: Каракалпакстан, 1968. – С. 5.

Қорақалпоқ адабиётида мемуар асарларнинг пайдо бўлишида энг аввало ёзувчиларнинг ҳиссаси катта. Шу даврда таниқли қорақалпоқ адиби, биринчи қорақалпоқ романининг муаллифи А.Бегимовнинг 1934 йили Бутуниттифоқ Ёзувчилар уюшмасининг раиси М.Горький билан учрашуви фақат ёзувчининг ҳаётидаги муҳим сана бўлиб қолмасдан, балки қорақалпоқ адабиёти тарихида мазкур давр учун муҳим воқеалардан бири сифатида таъкидланган. Буни ёзувчининг «Менинг Горький билан учрашувим» номли хотира очеркида баён этилган воқеалардан кўришимиз мумкин.

Қорақалпоқ мемуар адабиёти ривожланиши муайян босқичга эга бўлиб, XX ўрталаридан бошлаб янги сифат босқичига чиқди. Бунда Ғарб ва Шарқ халқлари адабиётида яратилган мемуар асарларнинг анъанавий намунасини қорақалпоқ адабиётида ҳақиқий маънода бошлаб берган Ж.Аймурзаев, Қ.Айимбетов, К.Султановлар бўлди. Ж.Аймурзаевнинг «Етимнинг юраги» («Жетимниң жүреги», 1961), К.Султановнинг «Эсдалиқ қиссаси» («Естелиқ қиссасы», Эмиўдәрья, 1971, №5), «Умр дафтари» («Өмир дэптери», 1971), Қ.Айимбетовнинг «Ўтган кунлардан лавҳалар» («Өткен күнлерден елеслер», 1972) каби мемуар асарлари ўтган асрнинг 60-70 йилларидаги қорақалпоқ насрига ғоя ва мавзуси, айниқса жанр хусусиятлари билан ҳам янгилик сифатида эътироф этилди.

Қ.Камаловнинг «Эл хизматида» («Ел хызметинде». 1995), А.Қунназаровнинг «Етти довон» («Жети асырым». Нөкис, 2000), Қ.Отениязовнинг «Хаёлларимга ўзакдош умрим» («Ойларыма өзеклес өмирим». Нөкис, 2001), С.Қаниязовнинг «Олтин соҳил» («Алтын жағыс», 2006), биринчи қорақалпоқ авиатор-учувчиси Б.Таженовнинг «Парвоз-1», «Парвоз-2» («Пәрўаз-1», «Пәрўаз-2». Нөкис, 2008), божхона хизмати фахрийси Б.Абдрамановнинг «Бахт инъоми» («Бахыт сыйы», Нөкис, 2016), «Байконур» космодроми фахрийси А.Досназаровнинг «Хотирадан ўчмас лаҳзалар» («Естен өшпес мәўритлер», Нөкис, 2017), тарихшунос олим, академик С.Камаловнинг «Умрим сабоқларидан...» («Өмирим сабақларынан...». Нөкис, 2019), Қ.Байниязовнинг «Дастхат тарихи» («Колтаңба тарийхы». Эмиўдәрья, 2008, №4), У.Пиржановнинг «Учта оқсоқол» («Үш ақсақал». Эмиўдәрья, 2008, №3) каби мустақиллик йилларида яратилган асарлар қорақалпоқ адабиётида мемуар жанрида ижод қилиш тажрибаси ошиб, унинг миллий адабиётда шаклланиши йўлида катта изланишлар олиб борилганлигини кўрсатади. Жамоат арбоблари ва адиблар ўзларининг бадий изланишларида мемуар жанрининг рус ва европа адабиётларидаги анъаналарни ўзлаштириб ҳамда туркий халқлар адабиёти тажрибалари билан боғлиқ томонларини синтезлаши натижасида қорақалпоқ адабиётида мемуар жанри янгича поэтик тараққиёт йўлига тушди.

Иккинчи боб **«Мустақиллик даври қорақалпоқ адабиётида мемуарларининг жанрий хусусиятлари»** дея номланиб, бобнинг **«Мустақиллик даври қорақалпоқ мемуар асарларининг жанрий таркиби»** деб номланган биринчи фаслида қорақалпоқ адабиётида мемуар жанрининг шакллари аниқланган.

Мустақиллик давридаги қорақалпоқ адабиётидаги мемуар асарларнинг жанрий таркиби ҳам, ғоя-мавзуси ҳам, хажми ҳам, хотираларининг автобиографик мотивлари ҳам турфа хилдир. «Автобиографик деталлари оз ва қахрамон ҳаётининг эслаган даврининг муайян даврининг (майли, кўп йиллар бўлса ҳам) алоҳида воқеаларини ўз ичига оладиган мемуарлар – мемуар хотиралар» бўлиши адабиётшунослик тажрибасидан маълумдир¹⁴. Ушбу нуқтаи назардан олиб караганда, Қ.Камаловнинг «Эл хизматида» мемуарининг жанр табиати ўз-ўзидан мемуарнинг мемуар-хотира шаклининг талабларига тўла мосдир. Адабий танқидда бу асарга «халқимиз тарихининг чорак асрлик қисмига бағишланган катта илмий иш»¹⁵, «тарихий мемуар»¹⁶ деган тавсифлар берилди. Асарнинг яратилиши шаклидаги хусусиятнинг асосий мақсадида муаллиф ўзи кўрган ва гувоҳи бўлган воқеаларни ҳикоянавис томонидан баён қилаётгандек етказиб беради. Мемуар-хотирада муаллиф ҳар сафар ўзи кўринавермайди. Яъни бош қахрамон сифатида гавдаланувчи муаллифнинг ўзи эмас, балки унинг хотираси, субъектив, нуқтаи назари, фалсафий тафаккури, тарихий-ижтимоий ҳодисаларга гувоҳликларидир.

С.Камаловнинг «Умрим сабоқларидан...» деб номланган мемуари ҳам жанр хусусияти бўйича мемуар-хотирадир. Муаллифнинг диктофонга ёзиб қолдирган хотиралари асосида пайдо бўлган мазкур мемуар ҳам Қорақалпоғистоннинг маълум бир давридаги тарихий-ижтимоий ҳаётини тасвирлаши билан аҳамиятлидир. Мемуар-хотирада муаллиф ўзини батафсил намоён қилмайди, аксинча қахрамон сифатида воқеаларнинг баёнига сингдириб юборилади. Шу боис, мемуар-эсдаликда муаллифдан кўра ўзи гувоҳи бўлган воқеалар кўпроқ тасвирланади.

Мустақиллик даври қорақалпоқ мемуарлари орасида автобиографик тавсифга эга (яъни муаллифнинг туғилган йили, болалиги ҳақида фактлар ўрин олган – *Б.Н.*), аммо у яшаб ўтган даврдаги воқеаларнинг барчасини эмас, балки муҳимларини, давр қиёфасини ёки муаллиф ҳаётида ва ижтимоий ҳаётда из қолдирган воқеаларнинг етакчилиги кузатиладиган мемуарлар яратилди. Шу каби асарлар автобиографик мемуарлар деб юритилади¹⁷. Қ.Отениязовнинг «Хаёлларимга ўзакдош умрим», С.Қаниязовнинг «Олтин соҳил» мемуарлари муаллиф ҳаётининг маълум бир давридаги муҳим воқеаларни тасвирлайди. Ушбу мемуарларда ретроспектив баён етакчилиги кузатилади. Аммо бундай тоифадаги мемуарларда соф автобиографик жанр сюжетининг таркибий қисмлари бўлган болалик, мактаб ҳаёти, таълим-тарбия олиши, етуклик, маданий муҳит, шунингдек, оилавий ва шахсий ҳаёт каби соҳаларнинг барчаси барабар иштирок этмайди. Шу боис, уларда иккиламчи сюжет қисмлар

¹⁴ Данелян К.А. Дневники и мемуары. – М.: Гослитиздат, 1959. – С. 56.

¹⁵ Уснатдинов Ш. Көргенлерим ҳам кеўилодегилерим. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2009. – Б. 209.

¹⁶ Эбдиев А. Жүрегинде – халық тәғдири // Эмиўдәрәя. – Нөкис, 2018. – №7. – Б. 63.

¹⁷ Черкашина Т.Ю. Мемуарная автобиография и автобиографические мемуары: схожесть и различие понятий//<http://> Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2014. – № 3. – Ч. 1. – С. 196-199. www.allbest.ru/

пайдо бўлади. Автобиографик мемуарлардаги умумий сюжет қисмларида асосий ҳикоя муаллифнинг шахсий ҳаёти эмас, балки у яшаган давр, у билан замондош авлод бўлиб, муаллиф ушбу даврнинг иштирокчиси ва воқеаларнинг гувоҳи, замондошларига тааллуқли бўлганлиги билан аниқланади. Қорақалпоқ адабиётидаги автобиографик мемуарларнинг таркибида марказий образ муаллифнинг ўзи ва воқеалар унинг атрофида ривожланади. Лекин муаллиф ўз ҳаётининг барча босқичларини очиб беришни мақсад қилмайди. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, Х.Сейтовнинг «Ҳаёт сўқмоқлари» ва «Аламли армон излари», Қ.Отениязовнинг «Ҳаёлларимга ўзакдош умрим» (2001), С.Қаниязовнинг «Олтин соҳил» асарларини мемуарнинг автобиографик мемуар шаклига киритишга тўла асос бор.

Қорақалпоқ адабиётида таниқли маърифатпарварлар, адиблар, илм-фан ва маданият намоёндаларини хотирлаш, улар ҳаётининг муаллиф билан боғлиқ муайям қисми ҳақида сўз юритадиган ҳажми унча катта бўлмаган ёдномалар чоп этилмоқда. Уларнинг жанр табиатида мемуар асарга хос бўлган, ўзи кўриб, гувоҳи бўлган таниқли бир инсоннинг ҳаёт йўли ретроспектив усулда хотирланади ва унинг ҳаётининг барча томони хронологик тартибда эмас, балки муаллиф томонидан хотирланаётган инсоннинг у билан боғлиқ ва давр учун ҳам муҳим бўлган воқеаларни танлаб баён қилиш, муаллифнинг субъектив ёндашуви сингари хусусиятларга эга бўлиши бундай асарларни мемуар асарнинг яна бир шакли – мемуар-ёдномалар деб номлашга имконият яратади.

Шунингдек, ушбу фаслда ҳозирги даврда мемуарларнинг жанр таркибида ҳикоя (ёдномма) ва очерклардан тортиб қисса, роман жанри белгиларининг мавжудлиги, автобиография аралаш ҳолда қўлланилиши қорақалпоқ мемуарнавис адибларининг жанр борасидаги бадиий изланишларининг ютуғи сифатида таҳлил қилинади.

Бобнинг иккинчи фасли **«Қорақалпоқ мемуарининг ғоявий-тематик йўналишлари»** деб номланади. Маълумки, ўтмиш тарихимизни қайта ўрганиш, янги тарихни яратиш учун амалга оширилган саъй - ҳаракатлар натижасида ҳозирги кунда XX асрнинг 30-йилларидаги қатағон сабабли «халқ душмани», «ватан хоини» деб йиллар давомида беайб айбдор бўлиб, ёшлик даврини олис Сибир ўлкасида асирликда ўтказган, ёки қатл қилишга ҳукм этилиб, ёт юртларда кафансиз кўмилган миллат зиёлиларининг фожиали тақдирдан бохабар бўлиш имконияти яратилди. Ўз вақтида архив фондида махфий сақланаётган ҳужжатлар билан танишиш у ёқда турсин, у ҳақида сўраган одамнинг ўзи шубҳа остига олинган бўлса, мустақиллик йилларида ушбу ҳужжатлар билан танишишга имконият яратилди. Натижада, ўз замонининг тирик гувоҳлари томонидан ўтган даврнинг ҳақиқий қиёфаси тасвирланган қатор мемуар асарлар яратилди ва чоп этилди.

Ж.Аймурзаевнинг «Етимнинг юраги» мемуар асарининг иккинчи китоби «Қора булутлар» деб номланиб, унда ўз халқининг маънавий-маданий ҳаётида чуқур из қолдирган таниқли сиймоларнинг коммунистик

режим сиёсатининг зуғумига учраб, қатоған қилиниши, маҳбусхоналарда уларнинг чеккан азоб-уқубатлари, уларга қўйилган ноҳақ айбловлар, эркини топташга қаратилган қийноқлар тарихий фактлар ва материаллар асосида мазкур даврнинг қиёфаси, тарихий шароити қорақалпоқ халқининг 1930-1953 йиллардаги тарихи, адабиёти, маданияти, ижтимоий-сиёсий шароити фонида тасвирланади. Ж.Аймурзаев асарда ўзи кўриб, гувоҳи булган ҳаёт воқеаларини яхлит тарзда бошдан-охиригача қамраб олавермасдан, ўз даври учун сиёсий, маданий ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, қаҳрамонларнинг тақдирига алоқадор бўлган воқеаларнинг энг муҳимини танлаб олади ва ўзи хоҳлаган ҳажмда қисқа ёки кенг тарзда тасвирлашга ҳаракат қилади.

Мемуар асарнинг табиатида тарихий фактлар муаллифнинг ўз нуқтаи назари призмасидан ўтказган ҳолда тасвирланиши туфайли воқеаларнинг ўзига алоқадор томонинигина кенг тарзда тасвирлай олади. Қорақалпоқ миллий театрини шакллантиришда, театр санъатини ривожлантиришга драматург, режиссёр, таржимон, театр санъати тадқиқотчиси ва танқидчиси сифатида салмоқли ҳисса қўшган кўп қиррали иқтидор эгаси Т.Алланазаров «Замон гардиши» мемуар асарида ҳам ўзининг босиб ўтган тарихий йўлини кенг оммага етказишдаги мақсадини «Болалигимни эсласам» номли биринчи қисмида баён қилади. Асар муаллифининг ўша даврдаги адабиётга, бадиий санъатга бўлган халқнинг қарашини С.Мажитов, Х.Ахметовнинг ижоди мисолида бериши «халқнинг оммавий соддаликдан ўз ўзини англаш даврига ўтиб бошлаш»и ва маълум даражада маълумотга эга халқ вакиллари сонининг кўпайиши тўғрисидаги маълумотлар китобхонга халқ онгидаги ўзгаришлар билан бирга давр руҳини тўғри англаш учун муҳимдир.

Мустақиллик даври қорақалпоқ мемуарларининг жанр табиатига хос иккита йўналиш кўзга ташланади: 1) *ташиқи* (китобхонга тааллуқли) ҳамда 2) *ички* (муаллиф томонидан ўзига маълум ҳолатларни тартибга келтириб, яна бир бор ҳис қилиши).

Миллий матбуотнинг халқнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маданий ҳаётига таъсири тўғрисида муҳим маълумот ва манбалар шоир ва ёзувчи Х.Сеитовнинг «Ҳаёт сўқмоқлари» (1993), «Аламли армон излари» (1995) мемуар асарларидан ифода этилган бўлса, Қ.Камалов «Эл хизматида» асарида 1950 йиллардаги оммавий қатағоннинг иккинчи тўлқинида давлат арбоблари, адибларнинг қатағон қилиниши, мураккаб вазиятлар, зиддиётларга тўла замонда ўзи гувоҳ бўлган қорақалпоқ зиёлилари билан боғлиқ воқеалар асосида акс эттирган. С.Камаловнинг «Умрим сабоқларидан...» (2019) асари ишда таҳлил қилинаётган бошқа мемуарлардан анча кейин яратилганлиги билан фарқланса ҳам, «Қара булутлар», «Замон гардиши», «Умр сўқмоқлари» асарларида келтирилган манбалар билан таққослаганда, давр қиёфасини очиб бериши, тарихий ҳақиқатни қайта тиклашда маълумотларнинг бирини-бири тўлдириши, ишончлилик сифатлари билан юқорида қайд қилинган асарларга ҳамоҳангдир. Шундай бўлса ҳам, мазкур асардаги воқеалар тарихчининг

профессионал нуқтаи назарига кўра аналитик фикрлаш устувор бўлиши билан ажралиб туради.

Иккинчи бобнинг «**Мемуар асарларда конфликт масаласи**» деб номланган учинчи фаслида қорақалпоқ мемуарларида учрайдиган давр ва қаҳрамон ўртасидаги, шахслар ўртасидаги конфликтлар, асосий ва ёрдамчи конфликтлар аниқланган ва таҳлил қилинган.

Мемуар жанрига оид асарларда шахслараро конфликт (*межличностный конфликт* – Б.Н.) кўпроқ учрайди ва ушбу конфликтлар ечимида қаҳрамонлар характери ҳамда уларнинг шахсий ҳаётий позициялари аниқлашади. Биз томондан таҳлилга тортилган ижтимоий-сиёсий соҳа арбоблари қаламига мансуб Қ.Камаловнинг «Эл хизматида», Қ.Отениязовнинг «Хаёлларимга ўзакдош умрим», С.Камаловнинг «Умрим сабоқларидан...» мемуар асарларидаги қаҳрамонлар кўпинча *шахслараро конфликтлар боис* низоли вазиятларга дуч келади. Чунки, бу мемуарлардаги қаҳрамонлар кундалик ҳаёт ташвишида юрган одамлар эмас, ҳар бир асар қаҳрамони бутун бир халқнинг тақдири, учун курашган таниқли шахслардир ва уларнинг ҳар бирининг ижтимоий-сиёсий позицияси ҳам халқнинг, миллатнинг тақдири билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам, қаҳрамонлар *сиёсий ўйинлар*нинг қарама-қаршиликларига кўп учрайди, ўша «ўйин»лар замирида уларнинг индивидуал, инсонийлик жиҳатлари ва миллат зиёлиси ёки алоҳида шахс, жамаот арбоби сифатидаги характери очилади. Таҳлил қилинган мемуар асарлар конфликтни шуни кўрсатадики, мемуарнинг жанр талабларига мос тарзда асардаги конфликтларнинг ҳам ҳаётий жиҳати устундир. Унда муаллиф конфликтни тўғри танлаш учун ортиқча ҳаракат қилмайди, балки ҳаётий зиддиятларни жонли тасвирлаш орқали даврнинг ижтимоий-сиёсий қиёфасини, қаҳрамон характерини очишга муваффақ бўлади. Ҳаёт зиддиятларини ортиқча бўёқларсиз тасвирлаш жараёнида асар таркибидаги конфликтлар ўз илдизлари, ижтимоий мазмуни билан асарнинг асосий ғоясига, давр қиёфасига, қаҳрамонлар ҳатти-ҳаракатига бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг кучи ва ҳаракатлари асарнинг жозибадорлигини, бадиийлигини оширишга хизмат қилган. Шу тарзда мемуар асарларда тасвирланаётган давр қиёфаси, ижтимоий ҳаёт ва индивидуал характерлар муайян бадиий бирликни ташкил қилган.

Шунингдек, ушбу фаслда мемуар асарлардаги конфликтлар жараёнларни тўла тасвирлаб бериши бўйича бир ҳил имкониятга эга эмаслиги, унинг ҳарбир жанрда янгича хусусиятлари очилиши тўғрисида фикрлар маълум даражада илмий асосга эгадир. Мемуар асарда муаллиф томонидан ҳаётда бўлган воқеанинг асл ҳолатида тасвирланиши, яъни унда зиддиятли ҳолатларнинг ҳаётий жиҳати устун бўлиши билан фарқланиши, аксарият ҳолатларда мемуар асарларда зиддиятли ҳолатлар асарга мажбурий тарзда киритилмай, конфликт ёки зиддиятли воқеалар маълум бир бадиий талабларга бўйсиндирилиши шарт эмаслиги далилланган.

Учинчи боб «**Мустақиллик даври қорақалпоқ мемуарларининг услубий ва образ яратиш хусусиятлари**» деб номланиб, бобнинг «**Мемуар**

асарларда сюжет-композицион ва бадиий-услубий изланишлар» деб номланган биринчи фаслида мемуар асарларнинг сюжети насрий асарларнинг ҳикоя, қисса, роман каби жанрларидек ҳар томонлама тармоқланиб, битта жойга йиғиладиган имкониятга эга бўлмаслиги, мемуарда баён қилинган воқеада адибнинг бевосита иштирок этиши ёки гувоҳи бўлган воқеалар тасвирланиши туфайли унинг сюжети ҳам муаллифнинг ҳаётда кўрганлари ва хис қилганлари, субъектив нуқтаи назари асосида шаклланиши, шу сабабдан мемуар асарларнинг сюжетида хужжатларга, фактларга таяниб далиллаш ёки фикр юритишнинг ҳамда тасвирлашга нисбатан баён қилишнинг етакчилиги кўзга ташланиши мисоллар асосида исботланган.

